

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси № 16/05

Наманган шаҳар

23 май 2022 й.

Биз куйида шартнома тузувчилар амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Маҳсулот етказиб берувчи" деб юритилувчи "ВОНА-91" МЧЖ номидан иш кўрувчи раҳбари **Ходжаев З.С.** бир томондан ва амалдаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи "Янги Наманган туман Ободонлаштириш бошқармаси" номидан раҳбари **Ж.Ахметов** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Маҳсулот етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги маҳсулотларни етказиб беради. "Харидор" эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Саженцы Багрянника высота не менее 6м., возраст не менее 8лет	Дона	450	150 000	67 500 000
2	Саженцы роз разных видов и цвето	Дона	35 800	12 250	438 550 000
3	Саженцы куста шиповника	Дона	54 509	4 200	228 937 800
4	Саженцы Эльдарской сосны высота не менее 2,2м., возраст не менее 3года	Дона	700	60 000	42 000 000
5	Туя западная (жизненное дерево) высота не менее 1м., возраст не менее 5лет	Дона	300	69 000	20 700 000
6	Саженцы Каштана высота не менее 3,5-4м., возраст не менее 13лет	Дона	200	300 000	60 000 000
7	Саженцы Карагач высота не менее 4-4,5м., возраст не менее 3год	Дона	100	60 000	6 000 000
8	Саженцы Каталпы высота не менее 4-4,5м., возраст не менее 12лет	Дона	1 443	150 000	216 450 000
9	Саженцы Каталпы высота не менее 3,5-4м., возраст не менее 10лет	Дона	300	185 000	55 500 000

10	Сажены индийской Сирени высота не менее 1,8-2,1м., возраст не менее 5лет	Дона	360	69 000	24 840 000
11	Сажены Павловнии высота не менее 3-3,5м., возраст не менее 4лет	Дона	416	95 000	39 520 000
НДС Хисоб фактурада кўрсатилади					
Жами: 1 199 997 800 (бир миллиард бир юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон етти минг саккиз юз) сўм					

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 1 199 997 800 (бир миллиард бир юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон етти минг саккиз юз) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олиндиған маҳсулотлар учун **"30"%** тўловини олдиндан "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Маҳсулот етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва тўловдан сўнг 7 кун муддат ичида маҳсулотларни Харидорга етказиб беради.

2.4. "Харидор" такдим этилган ҳужжатларга асосан маҳсулотларни қабул қилиб олади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: Харидор пул маблағининг **70%** ўтказилгандан сўнг, **10** иш куни ичида "Маҳсулот етказиб берувчи" маҳсулотларни тўлиқ "Харидор"га етказиши хамда "Маҳсулот етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилади; "Маҳсулот етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ берилдиған буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиши;

3.2. "Маҳсулот етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан **100 %** ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини сотиб олувчидан талаб қилиши;

Маҳсулотларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериши.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Маҳсулот етказиб берувчига" муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва ҳам ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 (уч) кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Харидор" "Маҳсулот етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: - шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистан Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабрга кадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.2 Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

“СОТУВЧИ”

Номи: “ВОНА-91” МЧЖ
Манзил: Наманган ш. Оромгоҳ массиви,
Афросиёб кучаси 6-уй
Х/Р: 20208000905421570001
Банк: АКБ «Invest Finance Bank» Наманган филиал
ИНН: 308745958
МФО: 01113



З.С. Ходжаев

“ХАРИДОР”

Янги Наманган туман
Ободонлаштириш
бошқармаси

Манзил: Наманган шаҳар Янги
Наманган тумани Мингчинор МФЙ
Оромгоҳ кучаси 3-уй
Банк маълумотлари:
х/р:100022860144017065100110038;
СТИР:308650680; МФО:00023;
ОКЭД: 84112



Банк номи: АТБ Асака банк
Раҳбар

Ж.С.Ахметов.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ UB33372316

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Yangi Namangan tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va "VOHA-91"
MCHJ o'rtasidagi Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Yangi Namangan tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil
20-may kuni dasturga kiritilgan.

Huquqiy xulosa: Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka, qonunchilik texnikasi qoidalariga rioya etilgan holda ishlab chiqilganligi, shuningdek korrupsiyaga sabab bo'ladigan omillar mavjud emasligi sababli uni tuzish maqsadga muvofiq deb hisoblayman.

Markaz bosh yuriskonsulti



K.Gaipova
2022-yil 20-may

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“23 ” Май 2022 йил

Янги Наманган.т

Янги Наманган туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил “19” майдаги 22110012085872-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикаси Бюджет Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 2 ноябрда утказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон ” умуммиллий лойихаси асосида худудларда 2021йил куз ва 2022 цил баҳор мавсумида манзарали, мевали дарахт ва буталаркучатлари, шунингдек, каламчалар экиш ишларини уюшқоклик билан ташкил этиш буйича берилган топшириқлар ижросига мофик, Ўзбекистон Республикасининг Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг 2022 йил 15-фувралдаги VI-30-27-6-0-K/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Е-тендер дастурида харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан, белгиланган муддатлар асосида Воха-91 МЧЖ берилган таклифлари комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари буйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун етти иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан етти иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари буйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Янги Наманган туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи



 Ж.Ахметов.